*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил **18 май** ШАНБА **№ 41** (12573)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## 2013/2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

**Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-ҳунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларининг ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А. И. Икрамов), республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида икки ҳафта муддатда 2013/2014 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

*(Давоми 2-бетда).*

Бугуннинг гапи



## ЎРИМ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАЯПТИ

**Бу йил вилоятнинг 4053 та фермер хўжаликлари 136,1 минг, шу жумладан 122,1 минг гектар сувли майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирди. Авваллан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун 301,5 минг тонна дон етказиб берилиши лозим.**

Вилоятнинг жанубий туманлари далаларидаги ғалла пишишга яқинлашиб, олтинранг тус ола бошлади. Демак, ўрим-йиғим мавсуми яқин. Етиштирилган мўл дон ҳосилини қисқа фурсатда, нест-нобуд қилмай ўриб-янчиб олиш учун олдиндан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Шуни назарда тутиб, вилоят ҳокимининг "2013 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорда туман ҳокимлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги, ички ишлар бошқармалари, "Тошкентдонмаҳсулотлари" "Оҳангарондон", "Ғалла-Алтег" ОАЖ, МТПлар бирлашмаси, "Автотеххизмат" ОАЖ, "Тошвилтранстерминал" ҳудудий уюшмаси, автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бўлими, "Кучлик", "Пахта" нефть базаси унитар корхоналари раҳбарлари зиммасига ғалла ўрим-йиғимини ўз вақтида ва оқилона ташкил этиш ҳамда уюшқоқлик билан ўтказиш, дон комбайнлари қуввати ва имкониятларидан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ вазифалар юклатилди.

Вилоят ҳокими қарори ижросини тўла-тўкис таъминлаш мақсадида, 162 та ўрим-йиғим отрядлари ташкил этилди. Уларга 313 та дон комбайнлари, жумладан, мавсумга барвақт созлаб қўйилган 88 та "Кейс", 193 та "Класс" ва 32 та "Нью Холланд" русумли комбайнлар бириктирилди. Ҳар бир комбайнни 2 нафардан (асосий ва ёрдамчи) оператор-ҳайдовчилар бошқаради. Шунингдек, отрядларга 5 тадан, жами 1515 та дон ташиш автомашиналари бириктирилди.

Бундан ташқари, отрядларга 162 та кўчма устахона, шунча ёнилғи етказиб берувчи транспорт воситалари, ҳар бир отрядга эса, бир нафардан ҳисоб-китобчи, механик, тиббиёт, ёнғин хавфсизлиги, тижорат банклари ходимлари хизмат қилади. 131 та кўчма ёнилғи қуйиш агрегатлари, 43 та кўчма техник ёрдам машиналари ҳаракатда бўлади.

*(Давоми 2-бетда).*

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXVI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXVI сессияси 2013 йил 19 май куни соат 10.00 да вилоят ҳокимлиги мажлислар залида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 17 май.

19 май – Кон-металлургия саноати ходимлари куни

## ЎЗ ЎРНИГА ЭГА КОРХОНА

**Давлатимиз раҳбари "Бугунги кунда мамлакатимиз эришган ютуқларда "Ўзбекистон металлургия комбинати"нинг алоҳида ўрни бор ва у саноатимиз тараққиётида белгиловчи роль ўйнамоқда" дея "Ўзметкомбинат" ОАЖ фаолиятига юксак баҳо берган эдилар.**

Бекобод металлурглари шу баҳони оқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида меҳнат қилиб, касб байрамларини муносиб кутиб олмоқдалар.

– Комбинатимизда ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда, – дейди корхона муҳандислик маркази раҳбари Рашид Пирматов.

*(Давоми 2-бетда).*

Пири бадавлатларимиз

## БОЗОР ОТАГА ЮЗ ЁШ ЧЎТ ЭМАС

**Узоқ умр кўриш – Яратганнинг инсонга ато этган иноятларидан бири. Аслида одам зоти борки, аввало ўзига Худойимдан тансиҳатлик ва узоқ умр сўраб яшайди. Аммо, пири бадавлатлик бахти ўндан бир, балки юздан бир инсонгагина насиб этади. Демак, бандаси тадбир қилади, Яратган тақдир қилади.**

Вале, тадбир билан тақдир орасида меҳнат аталмиш ҳаракат ва ҳалоллик аталмиш улуғ неъмат борки, унга бепарво қараган инсон ғойибдан келган омадининг ортидан мўлтираб қолиши ҳеч гап эмас. Келган одамнинг кетиши аниқ бўлганидек, бизнинг бошимизда майин эсиб турган шаббодани ўзгалар ҳам кутиб турганини, бизга насиб этган бахтга бошқалар ҳам орзуманд эканини унутмаслигимиз керак. Чунки бу дунёда ҳамма бахтли яшашни хоҳлайди. Лекин кишининг яшаш тарзига, босиб ўтган умр йўлига ҳавас ўз-ўзидан туғилмайди. Бунинг учун аввало инсон эл фарзандига айланмоғи, эл ичра қадр топмоғи жоиз. Ҳазрат Навоий айтмишлар: "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам". Ўзини топган инсонлар ўзлигини йўқотмайди.

*(Давоми 4-бетда).*

Қулайлик

**Чирчиқ дарёсининг асосий сув манбаларидан бири бўлган Писком дарёсининг Тянь-Шань тоғ тизмаларидан бошланиш қисмининг икки қирғоғида бир қанча аҳоли пунктлари бўлиб, айниқса, баҳор ва куз мавсумида дарёга қурилган кўприкларни сув олиб кетиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. Табиийки, бу қишлоқларнинг туман маркази билан алоқасини узиб қўяр ва аҳолининг турмуш шароитини мураккаблаштирар эди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2012 йилда сув-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган дастурга асосан Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудидаги "Мулало" ва "Узун" маҳаллаларини ажратиб турувчи Писком дарёси устига кўприк қурилиб, ишга туширилди.**



## ЯНГИ КЎПРИК ИШГА ТУШДИ

Кўприк қурилиши учун давлатимиз томонидан 152 миллион 341 минг сўм ажратилиб, "Бурчмулла" ўрмон хўжалиги катта ҳажмда тупроқ, тош-шағал ва темир-бетон ишларини бажарди. Кўприкни ишга тушириш маросими "Узун" ва "Мулало" маҳалласи аҳолиси учун катта байрамга айланиб кетди. Чунки, шу пайтгача фойдаланиб келинган кўприк ҳашар йўли билан қурилиб, сел-сув тошқини пайтларида анча хатарли бўлиб қолар эди. Тадбирда сўзга чиққанлар, ушбу кўприкнинг ишга туширилиши мамлакатимиз раҳбариятининг аҳоли хавфсизлигини таъминлаш йўлида амалга ошираётган ишлар самараси эканини алоҳида таъкидлаб, миннатдорчилик билдирдилар.



Бундай хайрли ишлар 2013-2014 йилларга мўлжалланган дастурга ҳам киритилган. Республика Президентининг 2013 йил 28 февралдаги "2013 йилда сел-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят фавқулодда вазиятлар ҳамда "Тошгидромет" бошқармалари, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматининг Ангрен, Бўстонлиқ станциялари ва бошқа тегишли ташкилотлар мутахассислари иштирокида вилоятдаги барча дарё ва сойлар, сув омборлари ҳамда кўчки хавфи мавжуд бўлган ҳудудлар ўрганиб чиқилди. Сув тошқини, кўчки ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 2013-2014 йилларда вилоятдаги сел-сув тошқини хавфи бўлган дарё ва сойларда муҳандислик ишларини бажариш учун 2 миллиард 382,6 миллион сўм маблағ ажратган. Шундан 2013 йил давомида Оҳангарон туманидаги Унгут қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғида 760 метр, Қўрғон қишлоғи ҳудудидаги қисмида 740 метр, Янгийўл туманидаги Болта қишлоғи ҳудудидаги қисмида 820 метр узунликда дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш режалаштирилган. Бу ишларни бажариш учун 1 миллиард 145 миллион 730 минг сўм маблағ ажратилган. Айни пайтда ушбу объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, тендер ишлари олиб борилмоқда.

**Шерали КУТЛИМУРОДОВ, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бош мутахассиси.**

Танқиддан сўнг

## МАҚОЛАНИ УҚИБ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Газетанинг шу йил 11 май сонида босилган "Фойдалангач, ҳақини тўлаб қўйингда!" сарлавҳали мақолада вилоят туман ва шаҳарларидаги бир қатор мансабдор шахслар, жумладан, Юқори Чирчиқ туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Д. Эшимбетова фойдаланилган газдан 614 минг 254 сўм, агроиқтисодиёт коллежи раҳбари Н. Ибраев 644 минг 93 сўм, педагогика коллежи раҳбари Н. Имомхўжаева 637 минг 22 сўм қарз эканликлари кўрсатилган эди.

Таҳририят ушбу танқидий мақола юзасидан Юқори Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Б. Бегматов имзоси билан жавоб хати олди. Жавоб матнини айнан келтирамиз: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 11 май кунидаги 39-сонида эълон қилинган Юқори Чирчиқ туманидаги баъзи корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг табиий газдан қарздорликлари ҳолати бўйича ёзилган мақоласига асосан, туман ҳокимлиги ҳамда туман газ корхонаси томонидан қайта ҳисоблаш ишлари ўтказилди.

Ўтказилган қайта ҳисоблаш натижаларига кўра мақолада номлари кўрсатилган раҳбарларнинг 2013 йил 8 май ҳолатига табиий газдан қарздорлиги мавжуд бўлмаганлиги тўғрисидаги Туман газ корхонасининг № 679, 681, 682-сонли маълумотномалари олинди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Юқори Чирчиқ туман ҳокимлиги Сиздан ушбу ҳолатлар бўйича аниқлик киритиб, юзага келган англашилмовчиликни бартараф этиш бўйича чора кўришингизни сўрайди".

Матндан ва илова қилинган маълумотномалардан кўриниб турибдики, мансабдор шахсларнинг газдан қарздорлиги масаласи 8 май ҳолати бўйича қайта кўриб чиқилган. Ваҳоланки, газетада босилган мақоланинг бош қисмида эълон қилинаётган қарздорлик 7 май ҳолатига эканлиги кўрсатилган. Бинобарин, танқидий мақолада келтирилган далилларни инкор этиш ва айниқса, "юзага келган англашилмовчиликни бартараф этиш бўйича чора кўриш"ни сўраш, юмшоқ қилиб айтганда, қонуний жиҳатдан мутлақо ўринсиздир.

**O'zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида "Партия қурилиши йўналишидаги навбатдаги долзарб вазифалар" мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.**

### ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ПАРТИЯНИНГ ЎРНИ

Семинар давомида Юртбошимизнинг "Инсон манфаати ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир" номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинар экан, партия тузилмалари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида босқичма-босқич такомиллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларнинг иштирокини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

### ҲАФТАЛИКДА САЛОМАТЛИК МАВЗУСИ

**Чиноз ҳамда Бўстонлиқ туманларида соғломлаштириш ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.**

Унда республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент вилояти филиали мутахассислари ҳамда жойлардаги барча ҚВПларнинг тиббиёт ходимлари томонидан коллеж, мактаб ҳамда маҳалла фуқаролари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар орасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, тамаки чекишнинг зарари, юқумли ичак касалликларининг олдини олиш ҳақида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Фарида КОМИЛОВА.**

**Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ОИВ/ОИТС хасталигининг олдини олиш, у билан касалланган шахсларни даволаш борасида изчил ва самарали ишлар олиб борилмоқда.**

### ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти бўлими томонидан ушбу ҳужжат ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим муассасаларида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Олмалиқ шаҳридаги академик лицейда ўтказилди. Унда ёшларга ОИВ/ОИТС ҳақида тегишли маълумот ва тавсиялар берилди. Ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларни ушбу бедаво дард таъсиридан асраш ҳамда бу борадаги тушунтириш ишларини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# 2013/2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, зарурат бўлганда, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қабул қилиш натижалари бўйича якуний ахборот тақдим этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини келгусида академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчи қизларнинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилсин.

9-синфлар битирувчиларини ўқитиш билан қамраб олишнинг якуний натижалари тўғрисида жорий йилнинг 15 августигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013/2014 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган ва янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-ҳунар коллежларида ва филиалларида 2013/2014 ўқув йили бошлангунга қадар сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, уларда кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 16 май.

18 май – Халқаро музейлар куни

# ҲАЁТ КЎЗГУСИ

**Ёш авлодни юртимиз ўтмиши, ота-боболаримиздан қолган мерос билан таништириш, тарих, маданият ҳамда қадриятларимизни тушуниб етишлари ва уларга бўлган ҳурматларини оширишда музейларнинг аҳамияти каттадир. Шу боис мамлакатимизда музейларни доимо намунали тартибда сақлаш, янги-янги осори-атиқалар билан бойитиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.**

Кейинги йилларда республикамизда ушбу тизимга оид қатор қонун ва қарорлар қабул қилиндики, улар асосида музейлар фаолияти такомиллашиб, бир нечта янгилари ташкил этилди. Улардан бири Темурийлар тарихи давлат музейидир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимидаги мазкур музей 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида қисқа вақт ичида бунёд этилиб, ўша йили 18 октябрда фойдаланишга топширилди.

Музей ўз фаолияти давомида катта муваффақиятларни қўлга киритди, минг-минглаб тамошабинлар, жумладан ёшлар, хорижий фахрий меҳмонлар ва сайёҳларнинг севиб томоша қиладиган табаррук қадамжоларидан бирига айланди. Бу даргоҳ фаолиятининг кўп қирралилиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ўлкамизнинг ниҳоятда бой моддий-маънавий меросини – Амир Темур ва темурийлар даврига оид ашёларни тўплаш, таъмирлаб, авайлаб-асраш, уларни илмий таҳлил қилиш, доимий экспозиция ва кўргазмалар орқали халққа намойиш этиш музейнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу маърифат масканини зиёрат қилган ҳар бир томошабин унда намойиш этилган экспонатлар орқали Амир Темур ва унинг авлодлари даврида олиб борилган бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари, маърифат, маданият ва санъат равнақи билан танишмоқда.

Музей ташкил этилганда, унинг хазинасида 600 та ашё мавжуд бўлса, ҳозир экспонатлар Юртбошимиз ғамхўрлиги, илмий экспедициялар, фахрий меҳмонлар, шунингдек юртдошларимизнинг тортиқлари ҳисобига 3000 дан ошди.

Музейда ҳар йили турли тадбирлар ўтказилади. Масалан, бу йил 9 апрель куни бобокалонимиз Амир Темурнинг 677 йиллик тўйлари кенг нишонланди. Шу куни музейга бир қанча хорижий меҳмонлар ҳамда юрдошларимиз ташриф буюрдилар. Меҳмонлар орасида Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг жанубий Қозоғистондаги бўлими вакиллари ҳам бор эди. Улар ўзбек халқи шаънига илиқ сўзлар айтишиб, музей захирасига бир қанча совғалар ҳам тортиқ этишди. Улар ичида Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг макети ва зиёратхонасида сақланадиган дошқозоннинг кичрайтирилган нусхалари, Аҳмад



Яссавий меъморий мажмуасининг тасвири акс этган совға ҳамда медальон, айниқса, диққатга сазовордир.

Совғаларнинг бири – Амир Темурнинг буйруғи билан Туркистонда барпо этилган Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг кичрайтирилган нусхаси бўлиб, у тўртбурчак шаклга эга, қора рангдаги махсус супага мустаҳкам ўрнатилган. Мақбара сариқ рангдаги металлдан ишланган, олд томони биллурсимон тошлар, ён деворлари геометрик нақш ёрдамида безатилган.

Кейинги совға Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги дошқозоннинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб, айлана шаклидаги жигарранг супачага ўрнатилган. Қозонча сариқ рангдаги металлдан ишланган бўлиб, гардиши тагида эпиграфик ёзувлардан иборат безак ва геометрик нақш туширилган. Шунингдек, қозонча юзасига қуббачалар ишланган, уларга осма безаклар тақиб чиқилган.

Навбатдаги совға медальон бўлиб, у қизғиш-тиллаfamous ранг металлдан айлана шаклда ишланган, юз қисмида доира шаклида ҳалқа, марказида қўш равоқ, равоқлар тагида очиқ ҳолатдаги китоб, унинг тепасида тўрт баргли гул тасвири туширилган. Равоқлар тепасида 10 та 8 қиррали юлдузчалар ишланган.

Музей захираси йилдан-йилга бойиб бормоқда. Ҳар бир экспонат Амир Темур ва темурийлар даврининг ўзига хос қирраларини очиб беришга хизмат қилиб, музей ходимлари олдига ушбу экспонатларни пухта ўрганиб чиқиб, экспозиция ва кўргазмалар орқали хорижий меҳмонлар ва юртдошларимизга намойиш этиш вазифаси юкланган.

**Шаҳодат МАВЛОНОВА, Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими.**

19 май – Кон-металлургия саноати ходимлари куни

# ЎЗ ЎРНИГА ЭГА КОРХОНА



– Бу эса корхонанинг иқтисодий ва техник тараққиётига, экологик ҳолатнинг яхшиланишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Жумладан, 1-навли прокат цехида пўлат золдирлар станининг модернизация қилиниши натижасида 68-120 миллиметрли пўлат золдирлар ишлаб чиқариш 160 минг тоннага кўпайди ва бу республикамиз кончилик ҳамда цемент саноатининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қоплаш имконини берди. Цемент саноатида, автомобиль йўллари қурилишида фойдаланиладиган шлак қолдиқларини қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши туфайли 47 та янги иш ўрни очилди.

Ўтган йили 2-навли прокат цехининг методик печлари реконструкция қилинди. Натижада ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 100 тоннадан 120 тоннага кўтарилди. Йилига 11,6 миллион куб метр табиий газ тежалиб, ишлаб чиқариш жараёнида металл йўқотилиши 2 минг тоннага камайди.

Шунингдек, кейинги йилларда комбинатнинг бир қатор инфратузилмалари ҳам модернизация қилинди. Масалан, электр ёрдамида пўлат эритиш цехининг "ДСП-100 ЎМК" цехидаги насос-аккумлятор станциясининг реконструкция этилиши йилига 46 минг тонна қўшимча пўлат эритиш ва 4655,8 миллион сўмлик электродни тежаш, электр энергиясини ҳамда оловга чидамли материаллар сарфини 6 фоизга камайтириш имконини берди.

Корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш натижасида 1998 йилги 349 минг тонна ўрнига 2012 йилда 736 минг тонна пўлат қуйилиб, 322 минг тонна ўрнига 710 минг тонна прокат маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди.

– 2013 йилнинг ўтган 4 ойи якунлари ҳам қувончли бўлди, – дейди комбинат муҳандис-иқтисодчиси Эркин Иброҳимов. – Амалдаги нархларда 324 миллиард 449 миллион 152 минг сўмлик товар маҳсулотлари тайёрланиб, шартнома топшириқлари ортиғи билан адо этилди. Пўлат эритувчилар 243 минг тоннага яқин, прокатчилар 233 минг тоннадан ортиқ маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бердилар. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайди. Эришилаётган натижаларда электрда пўлат эритиш цехидан Ўзбекистон Қаҳрамони Олим Тўйчиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Аҳмаджон Расулов, мартен цехидан "Меҳнат шуҳрати" ордени нишондори Аҳмаджон Саидқулов, "Шуҳрат" медали соҳиби Ином Нурматовнинг ҳиссаси салмоқли. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, мамлакатимиз металлургия саноатини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссалари учун ҳукумат мукофотларига сазовор бўлишган.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Каримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Исмадиёр МАМАТҚУЛОВ, "Металлург минбари" газетаси муҳаррири.**

Бугуннинг гапи

# ЎРИМ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАЯПТИ

Вилоят миқёсида 15 та дон қабул қилиш шахобчаси мавсумга тайёрлаб қўйилган. Улар билан дон корхоналари ва қабул қилиш шахобчалари оралиғидаги автомобиль йўллари тегишли ташкилотлар иштирокида кўрикдан ўтказилиб, мавжуд камчиликлар жойида бартараф этилди.

Бошоқли дон ўрим-йиғимини 25 кунлик муддатда, яъни 12 июндан бошлаб 7 июлда тугаллаш кўзда тутилган. Ғалласи ўриб олинган майдонларни сомондан тезда тозалаш мақсадида 162 та махсус отрядлар тузилган. Уларга 375 та сомон йиғгич, 343 та транспорт трактори ва тиркамалар бириктирилган.

Сомондан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаш учун ҳам 162 та отрядлар шакллантирилган бўлиб, 574 ҳайдов тракторлари улар ихтиёрига берилган. Бу отрядларга 162 та кўчма устахона ва шунча ёнилғи ташиш транспортлари хизмат кўрсатади.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*



Айни кунларда вилоятнинг, беистисно, барча туманларида ғалла ўрими билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирлар якунига етказилди. Жумладан, Юқори Чирчиқ тумани "Агротехсервис" МЧЖнинг 34 та комбайн бириктирилган 17 та ўрим-йиғим отряди мавсумга шай бўлиб турибди. Улар 13 минг 150 гектар майдондаги ғалла ҳосилини 20-25 кунда ўриб-янчиб олишни режалаштиришмоқда.

– Бу йил ҳам ғалла ўрими отряд усулида, бироқ анча такомиллаштирилган тартибда ташкил этилмоқда, – дейди "Агротехсервис" бошқаруви раиси Искандар Шабанов. – Бутун ўрим мавсуми давомида ҳамма ишлар дала бошига кўчирилади. Ҳар бир отряд учун алоҳида ётоқхона ва уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади.

**Самад ЙЎЛДОШ. Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ДАВОМАТДА... ДИРЕКТОР ЙЎҚ

## Бу оддий ҳол ҳеч қачон одатий ҳолатга айланмаслиги керак!

Таълим муассасаларидаги ижтимоий муҳит, ўқувчилар давоматини яхшилаш, таълим сифатини ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳамда ҳудуддаги ободонлаштириш ишларига амалий ёрдам бериш юзасидан вилоят ҳокимининг топшириғини олгач, бириктирилган ҳудуд – Ангрен шаҳридаги педагогика коллежи томон йўл олдик.

У ерда ташкил этиладиган маънавий-маърифий учрашувлар, ота-оналар билан суҳбатлар, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш каби хайрли ниятлар ўй-фикримизни қамраб олгани учун коллеж директори А. Ҳамроев бу ҳамкорликка бефарқ қарамаса керак, деган хаёлда унга қўнғироқ қилдик.

– Абдуҳаким Иброҳимович, барча коллежларга вакиллар бириктирилганидан хабарингиз бор. Шу масалада сиз билан учрашиб, биргаликда амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олсак, дегандик. Бир-икки соатларда етиб борамиз...

Аммо директорнинг жавоби жуда қисқа бўлди:

– Бизда бугун "короткий день"...

– Ярим соатга вақт тополмайсизми?..

– Майли, келаверингчи...

Бундай муомаладан "коллежда бизсиз ҳам ҳамма ишлар зўр шекилли" деган фикр кўнглимиздан ўтди. Ўқув масканига етиб келганимизда эса у ерда бинони таъмирлаётган беш-ўн қурувчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Начора, директорсиз ҳам ишга киришишга тўғри келди... Қурувчилар етакчиси Иномжон Абдуқодиров билан ўқув биносини кўздан кечирдик. 1952 йилда қурилган, аммо бирор марта ҳам жиддийроқ таъмирланмаган бино ҳовлига кирган одамга мунғайиб қараётган боладай ночор кўринади. Усталар ўқув биносининг пештоқ қисмини таъмирлаб, эски чириган ёғоч эшик ва ромларни алмаштираётганларини айтишди. Бироқ ташқаридан ямаган билан бинонинг ичкариси тўкиламан деб турса, бундай уриниш ва сарф-харажатдан нима наф? Бинони реконструкция қилиш ёки янгитдан қуриш вақти аллақачон етган.

**Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?**

Шу пайтда усталарнинг ош-овқатидан хабар олишга келган тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Абдуваҳоб Жамолиддинов таъмирлаш муносабати билан ўқувчиларга педагогика институти биносида дарс ўтилаётганини айтиб, бизни қизиқтирган саволларга билганича жавоб қайтарди. Маълум бўлишича, бу ерда нафақат Ангрен шаҳридан, балки Оҳангарон, Пискент, Бўка, Бекобод ва бошқа шаҳар-туманлардан жами 1028 нафар ёшлар бошланғич таълим, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, тикувчилик каби бир қатор йўналишларда таълим-тарбия олмоқдалар. Шуларнинг 375 нафари битирувчи ўқувчилардир.

Коллежда дарслар одатдагидек, соат 8 дан эмас, институт талабалари учун чалинадиган қўнғироққа мослаб 8.30 дан қилиб белгиланган бўлсада, давомат ўрганилган 4 май куни соат 8 дан 40 дақиқа ўтгандагина ўқитувчилар бирин-кетин гуруҳларга киришни бошладилар. Соат 9 дан кейин ҳам бамайлихотир кечикиб келадиган, махсус талабалик формасини киймайдиган ўқувчилар билан суҳбатлар ташкил қилинди. Энг ачинарлиси, дарс вақтида бирор ўқувчининг қўлида китоб кўрмадик. Ўқитувчилар эса бу ҳолга "Ўзимизнинг коллежимиз кутубхонасида китоблар бор..." деган мужмал изоҳдан бошқа ишонарлироқ жавоб топмадилар. Ахир бўлажак педагог-мутахассислар дарсликлар, соҳага оид қўлланмалар ва бошқа адабиётлар билан фаол ишлашлари керак эмасми? Талабаликнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати ғанимат эканини тушунтириш, талаб қилиш, шахсий ибрат кўрсатиш ўқитувчининг энг муҳим фазилатига айланмас экан, лоқайдлик, юзакилик каби иллатлар таълим-тарбия соҳасидаги улкан ишларга бемаврид пайдо бўлган булут каби соя ташлайверади...

Коллежда замонавий лаборатория жиҳозлари, лингафон хонаси йўқ, компьютерлар эски. Тикувчилик йўналишида мутахассислар тайёрланаяпти-ю, етарли даражада тикув машиналари йўқ. Мавжуд 11 та тикув машинасининг айримлари яроқсиз аҳволда. Бундан ташқари, битирувчи ўқувчиларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тузишда муаммолар мавжуд. Бугунги кунгача жами битирувчиларнинг 69 фоизи ўзлари амалиёт ўтаган ўқув муассасалари билан уч томонлама шартнома туздилар. Кафолат хатлари эса охирига тўлиқ етказилмаган.

Шу камчиликлар хусусида фикрлашиш ва амалий ёрдам чораларини режалаштириш мақсадида 8 май куни яна директорни изладик. "Кечроқ келадилар..." дейишди. Аммо у вазиятни бизга ҳамроҳлик қилган ўқитувчилардан телефон орқали билиб турди-ю, бир зумга бўлсада биз билан боғланишни ўзига эп билмади. Бу манманликми, беписандликми ёки камчиликларга жавобгарликдан ўзини олиб қочишми?

10 май куни "Ҳушёр ёшлар юрт таянчи" мавзуида ҳар бир гуруҳда беш-ўн дақиқадан очиқ мулоқот ташкил этиб, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тинчликнинг қадри, ёшлар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида ўқувчилар билан суҳбатлашдик. Жонкуяр ўқитувчиларнинг таклифлари, коллеж фаолиятини яхшилашга оид фикр-мулоҳазаларини ўргандик. Тадбирдан сўнг, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари З. Кишпеева коллеж раҳбарининг бу гал ҳам келолмаслигини, бугундан бошлаб ўқишда эканини маълум қилди. Шундан сўнг мазкур ўқув маскани фаолиятига доир мулоҳаза ва хулосаларимизни газета орқали етказиб қўйишга жазм этдик.

Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, деган улуғ нақл бор халқимизда. Бу – миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни асрлар оша юксакликка кўтариб келаётган умрбоқий вазифадир. Бу соҳада ҳеч қачон "короткий день" бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Буюк донишманд боболаримиздан бири Абдулла Авлоний ёзганларидек "Тарбия – биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир"!

**Зарифа ЭРАЛИЕВА, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

Пилла – 2013



# ҲАР ҚУТИДАН ЮЗ КИЛОГРАММДАН

**Чиноз тумани "Бош пиллахона" масъулияти чекланган жамияти 2013 йил пилла ҳосилини қабул қилишни бошлади.**

– Бу йил 1500 хонадонда 2500 қути қурт боқилди, – дейди пиллахона ҳосилоти Раимбой Мамедов. – Шундан 2000 қути уруғ хориждан, 500 қутиси Фарғонадан келтирилди. Озуқа сероб бўлгани учун парвариш даври қисқа ва муваффақиятли кечди. Ҳозир, беистисно, барча хонадонлардаги қурт тўлиқ даҳага кирган. Олди пиллачилар теримни бошлаб юборишган.

"Ҳикматилла Йўлдошев" фермер хўжалигидан Ҳабибулло Йўлдошев бу мавсумда пиллахонага биринчи бўлиб ҳосил топширди. Бугина эмас, у икки қути уруғдан шартномадаги 120 килограмм ўрнига 200 килограмм пилла олиб, ҳосилдорликда ҳам энг юқори натижага эришди.

Шунингдек, "Усмон Обод" фермер хўжалигидан Улуғбек Эрматов, "Ҳумоюншоҳ Файз"дан Акмал Акромов, "Тўхтабой ота набиралари" хўжалигидан Абдувоҳид Турдибоев ҳам пилла теришга 15 майдан киришиб, шартнома мажбуриятларини анча ортиғи билан бажардилар.

**СУРАТДА:** Абдуваҳоб Тўлаганов оиласи – келинлари Камола, Зилола, Жазира, турмуш ўртоғи Мухтасар, қизи Гавҳарий пилла теришмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Пири бадавлатларимиз

# БОЗОР ОТАГА ЮЗ ЁШ ЧЎТ ЭМАС

Ўзлик эса ўзингдан ортганингда, ширин оромингдан ўзгалар учун кечолганингда, курашдан, ҳаракатдан толмаганингда, бир сўз билан айтганда, халқнинг фарзандига айланганингда шаклланади. Демак, сенинг борлигинг, қадру камолинг, эзгу ишларинг элнинг ўзлигини белгиловчи омил бўлади. Бундай одамлар ўзгалар кўзига тик қараб гапира олади. Чунки ўз манфаатидан эл манфаатини устун қўяди.

Эл ичра борлигини билиб яшаш бу бахтларнинг аввали. Бундай инсонлар уч-тўрт кун кўринмай қолсалар ўринлари билинади. Йўқловчилар кўпайиб қолади. Ушбу битикларимиздан мақсад – эл аро эъзозу эътирофдаги бир отахонимиз ҳақида икки оғиз илиқ сўз айтиш.

Бозорхўжа ота Улуғхўжаев – Еттикент аҳлининг аксариятига яхши таниш. Улғайиб, сафга кираётган ёшларни ҳисобга олмаганда, отани паркентликлар элнинг назаркарда инсони, табаррук отахон сифатида чин дилдан қадрлайдилар. Бу қадру камолга Бозор ота ўз фидойилиги, эл-юрт корига камарбасталиги билан эришган.

Отахон юз билан юз кўришди. Бу айтишга осон. Юз йилнинг юкини тортиш, умр карвонида ўз ўрни, ўз сўзи, ўз қадрига эга бўлиш шарафи Бозор отага насиб этган. Мен юз ёшли отахоннинг болалиги, ёшлиги ҳақида гапирмоқчи эмасман. Аммо у кишининг жангу жадаллардаги матонати бугун минглаб ёшларга ўрнак бўла олади.

Ҳозир айримлар 40 йил қойил қилиб ишлаб қўйишгани ҳақида тилларидан бол томиб гапирадилар. Отахоннинг меҳнат дафтарчасида 66 йил узлуксиз ишлагани қайд этилган. Тўрт йил Чанги қишлоғида жамоа хўжалигига раис, сўнгра қарийб 30 йил собиқ район партия ва ижроия қўмиталарида турли лавозимларда меҳнат қилган.

1941 йил район комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаб турганида Иккинчи жаҳон уруши бошланди. 27 июнь куни Бозор Улуғхўжаев Ватан ҳимоясига отланди. 1945 йил Берлин шаҳрига 38 километр қолганда, Дрезден шаҳрида охирги марта қаттиқ яраланди. Шу йилнинг август ойида қўлтиқтаёқда Паркентга кириб келди. Урушдан кейин Паркент билан Юқори Чирчиқ тумани бирлаштирилди. Бозор Улуғхўжаев 36 йил бир ташкилот – туман пиллачилик идорасида раҳбар бўлиб ишлади.



Албатта, биз кимнингдир ҳаёт йўлини таърифу тавсиф қилар эканмиз, меҳнати, амалга оширган ишлари ҳақида ҳамиша гапирганмиз. Бу табиий ҳол ўқувчини ортиқча ҳаяжонлантирмаслиги мумкин. Лекин юз ёшли Бозор ота Улуғхўжаевнинг орқа миясида битта, оёғида яна битта "осколка" парчаси бор. Отахон 68 йилдан бери шу азоб билан бирга яшайди. Бу ажал ўқи парчалари ўзининг борлигини ҳар дақиқада билдириб туради. Улар отахоннинг қон томирлари билан туташиб кетгани боис шифокорлар олиб ташлолмаган. Яна бир жароҳати Бозор отанинг қўл-оёқларида тиғ тегмаган, тикилмаган жойнинг ўзи йўқ. Жисми чандиқларга тўла. Баъзи чандиқлар ёриғига бармоғингиз сиғади.

Мен нега Бозор отани хуш кўраман? Отахон шу ҳолатда ҳам (кейинги 3-4 ойни ҳисобга олмаганда) эл ичида, барча тўю маъракаларда тўлиқ қатнашади. Қариндошлари таъзияларида 99 ёшида дарвоза олдида яқинлари қатори бел боғлаб ўтира олган. Бунинг учун инсон қалбида одамийлик аталмиш меҳру оқибат чироғи ёниб туриши, инсофу диёнат чашмалари оқиб туриши керак. "Асал" деган сўзни айтиш билан оғиз чучимайди.

Бозор отадан "Узоқ яшаш сирлари нимада?" деб сўрасангиз, биринчи навбатда ҳалоллик ва хотиржамликда деб айтадилар. Яна бир сири – у киши қатиқни хуш кўради. Бирон кун йўқки, бир коса қатиқ ичмасдан уйқуга бош қўйса. Агар бўлса тонгда ярим коса қаймоққа нон тўғраб ейишни ҳам ёқтирадилар. Раҳматли кампири Умри ая шуни едирмай кўчага чиқармаган.

Отахон рафиқаси билан уч ўғил, беш қизни ардоқлаб камолга етказди. Бугун уларнинг издоши бўлиб дунёга келган 30 дан зиёд набира, 40 дан зиёд эвара-чеваралар боболарининг 100 ёшли тўйларини қутлаб турибдилар. Энг муҳими, улар боболарига хос матонат ва мардликка муносиб бўлиб улғайишга интилмоқда. Кўплари мустақил юртимиз тараққиёти учун турли жабҳаларда ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Икки аср юзини кўрган Бозор отанинг бугунги тилаклари кўксингизни тоғдек кўтаради.

– Мен очлик, очарчилик нималигини, қатағон қурбонлари бўлган юзлаб ватандошларимни, уруш уволи бўлган қанча сафдошларимни, урушдан кейинги йиллар азобини кўрдим, – дейди отахон кўзлари намланиб. – Аммо буни сизлар кўрманглар. Ҳеч бир инсон зотига кўргулик қилмасин. Мен инсон қадри нима, одамдек яшаш бахти нима, ғурур, ифтихор нималигини мустақил бўлганимиздан кейин англадим. Тўғри, аввал ҳам қорнимиз тўйган, кийим-бошимиз бўлган. Аммо миллат сифатида қадримиз оёқ ости эди. На тилимиз, на динимиз эътиборга олинарди.

Муҳтарам Юртбошимиздан биз кексалар ниҳоятда миннатдормиз. 22 йилда ҳам давлатимизни қудратли давлат, ҳам миллатимизнинг юзини ёруғ, қаддини тик қилдилар. Эвара-чевараларим учун яратилган шарт-шароитларни кўриб ўзимга сиғмай кетаман, тилимдан бол томади. Фахру ифтихор қиламан. Яна бир рост гапни айтай. Бундай замонда одамнинг ўлгиси келмас экан.

Биз ҳам отахоннинг дилдан айтган тилакларига қўшиламиз. Аввало бугун бизларга юз ёшга қандай чиқишни кўрсатган бўлсалар, энди 110 ёшни қандай кутиб олишни кўрсатсинлар. Буни Яратгандан астойдил тилаймиз. Танлари сиҳат бўлсин. Зеро, Паркентимизда, юртимизда юздан ошган отахону онахонларимизнинг кўплиги бу миллат бахти, давлат қудрати, тинчлик ва ҳурликнинг, элдаги қут-бараканинг тимсоли деб биламиз. Илоҳим, уларнинг сафлари ортиб бораверсин, барча эзгу ишларимиз зиёда бўлсин!

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




### КИПРГА МИЛЛИАРД ЕВРО КРЕДИТ

**Халқаро валюта фонди (ХВФ) Кипрга 1,33 миллиард доллар (1 миллиард евро) миқдорида кредит ажратишни тасдиқлади.**




AFP агентлигининг маълум қилишича, Кипр ҳукумати биринчи транш орқали 110,7 миллион доллар олади. Юқоридаги тасдиқланган кредит Кипрга иқтисодий ёрдам бериш режасининг бир қисми бўлиб, ХВФ ҳамда Европа барқарорлаштириш тамойили (ЕБТ) томонидан ишлаб чиқилган. Ёрдамнинг умумий миқдори 13 миллиард доллар (10 миллиард евро) бўлиб, орол мамлакатнинг банк тизимида барқарорликни таъминлаш мақсадларига уч йил давомида йўналтириб турилади.

ЕБТ дастлабки транш бўйича 2 миллиард маблағни ўтказиб берди. Қолганлари 30 июнгача етказиб берилади.

Кипрнинг банк тармоғи Греция давлат облегацияларига қиймати тушиб кетганлиги боис, танг аҳволга келганди. Европа Иттифоқи Кипр банкларини қутқариб қолиш учун кредит ажратишга рози бўлди. Бироқ, шундай шарт қўйдики, орол ҳукумати ўзи мустақил 5-7 миллиард евро маблағ топиши керак. Ҳукумат бу пулни банк тизимини реструктизация қилиш йўли билан топмоқчи. Кутилаяптики, бунинг оқибатида мамлакатнинг иккита йирик банки омонатчилари ўз маблағларининг катта қисмини йўқотишлари мумкин.

### ИРОҚ ШАҲАРЛАРИДА КЕТМА-КЕТ ПОРТЛАШЛАР

**AFP агентлиги Ироқ ҳукумати вакиллари берган маълумотга таяниб тарқатган хабарда айтилишича, 15 май куни бир қатор портлашлар содир этилди.**



Ушбу террористик хуруж оқибатида камида 34 киши ҳалок бўлди, 70 киши жабр кўрди. Reuters агентлигининг маълумотларига қараганда, қурбон бўлганлар 35 кишидан ошган.

Боғдод шаҳрининг шимол, жануб ва шарқий қисмларида 5 та машина портлатиб юборилди. Бу ҳудудларда асосан шиа мазҳабига мансуб аҳоли истиқомат қилади, дея таъкидлайди AFP агентлиги.

Ушбу қўпорувчилик акцияларини ҳали бирорта гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ. 2011 йилда Америка қўшинлари Ироқдан олиб чиқиб кетилганидан сўнг суннийлар билан шиалар ўртасидаги жанжаллар янада кучайди. AFPнинг ёзишича, 2013 йилнинг бошидан буён террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳар ойда 200 кишидан зиёд аҳоли қурбон бўлмоқда.

### ЖЕНЕВАДА ЭНГ ҚИММАТ БРИЛЛИАНТ СОТИЛДИ

**Шаҳардаги кимошди савдоси уйи сайтида келтирилишича, вазни 101,73 карат (1 карат 0,2 грамм) бўлган бриллиант 26,7 миллион долларга сотилди. Бу рангсиз бриллиантлар учун энг юқори нархдир.**




AFP агентлигининг ёзишича, бриллиантни заргар Гарри Уинстон сотиб олган. Ушбу бриллиант биринчи марта сотилаётгани ҳамда заргар унинг дастлабки эгаси бўлгани учун қимматбаҳо тошни ўз исм-шарифи билан номлаш ҳуқуқига эга бўлди. Шундай қилиб, бриллиант "Уинстон мероси" номини олди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Ҳаёт сабоқлари

# ДЕВОР

Тиркаш пиённинг ёши олтмишга борди. Аммо, шу ёшигача бирор тайинли касбнинг жиловини тутмаган. Ичкиликка муккасидан кетгани етмагандек, камига уч марта ўғрилик қилиб, "ўтириб" чиқди. Барибир тавбасига таянмади, ичкиликнинг кетидан қолмади. Эрининг бу хурмача қилиқларидан тўйиб кетган Тўхтагул, ахири, бир ўғил ва икки қизини етаклаб, ота уйига кетиб қолди.



Ҳозир Тиркаш пиён ҳувиллаган ҳовлида ёлғиз ўзи яшайди, ҳаёти ит ётиш, мирза туриш. Ҳовли-жой ҳам ота-онасидан қандай мерос қолган бўлса, шундай турибди. Деворлари ёрилиб, нурай бошлаган эски уйнинг томидан чакка ўтаверганидан шифтлари сарғайиб кетган. Узоқ йиллар олдин оқланган деворлар қорайиб, ис босиб ётибди. Уй бурчагида пахталари титилган кўрпача ва яғир ёстиқдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Тиркаш пиён қўлга илинган ҳамма нарсани сотиб, ичиб бўлган. Ҳовлига бир вақтлар экилган мевали дарахтларнинг ҳаммаси сувсизликдан қуриб битган. Тиззабўйи келадиган чақир тиканак ва ўт-ўлан сарғайиб ётибди.

Тиркаш пиён Худонинг берган куни саҳармардондан маст бўлиб олади. Қўшнилар ундан безиллаб қолган. Санобар исмли бева аёл унга девордармиён қўшни. Унинг турмуш ўртоғи Рустамжон автоҳалокатга учраб, вафот этганида ҳали ўттизга ҳам кирмаганди. Эридан ёдгор бир ўғил ва икки қизини бағрига босиб қолаверди бечора. "Болаларим ўгай ота таёғини емасин" деб бошқа турмуш қурмай, беваликни бўйнига олди. Ўғил-қизларим кам-кўстсиз ўссин, деб далага чиқиб ишлади. Тунлари қишлоқ мактабида фаррошлик ҳам қилди. Мана, ўғли Орифжон, қизлари Шоҳида ва Соҳиба катта бўлиб, анча эсини таниб қолишди.

Бир куни Орифжон чой устида онасига маслаҳат солди:

– Ойи, қўшнимиз Тиркаш аканинг хурмача қилиқлари жонга тегди. Майли десангиз, Тиркаш ака томонга девор кўтарсам. Сингилларим бўйи етиб қолишди. Биласиз, Тиркаш аканинг соғ куни йўқ. Қачон қараманг, оғзидан бемаза гаплар чиқади. Девор кўтарсам, бироз тинчроқ бўлармидик.

– Яхши ўйлабсан, ўғлим.

Шу суҳбатнинг эртасига Орифжон қишлоқда устачилик қилиб юрган йигитларни бошлаб келди. Ҳаш-паш дегунча, девор ҳам тикланди. Аммо Орифжоннинг бу иши Тиркаш пиёнга ёқмади. У тирноқ орасидан кир қидириб, йўқ жойдан жанжал чиқарди. Нима эмиш, Орифжон қурган девор унинг ерига бир қарич ўтиб кетганмиш. Тиркаш пиён ўша жанжалдан сўнг янги деворни қандоқ бўлмасин қулатиш пайига тушди.

Бир куни тун ярмида гандираклаганча, уйига кириб келган пиён анчадан бери пишитиб юрган режасини амалга ошириш мақсадида қўлига кетмон олди.

– Аҳмоқ! Мишиқи! Лаънати бола! Ҳали сен менинг совунимга кир ювмабсан. Сенга Тиркашнинг кимлигини кўрсатиб қўяман. Эртага тонгда қанча маблағ эвазига кўтарган деворингнинг аҳволини бир томоша қилдирайки сенга!

Тиркаш пиён гандираклаб бориб, деворни ўпира бошлади...

Қишлоқда тонг бўзарди. Орифжон саҳар уйғониб, ташқарига чиқди. Чиқди-ю, кўзларига ишонмай, ҳайкалдек қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, кечагина қурилган деворни тунда тоғ томондан кучли шамол келиб, ерпарчин қилибди.

...Орадан икки кун ўтгач, қулаган девор остидан Тиркаш пиённинг жасади чиқди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**



Ўзбегим қизлари миллий либосда янада гўзал.

**Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.**




## Жиноятга жазо муқаррар

# ҲАССАСИНИ ЯНА ЙЎҚОТДИ...

"Кўр ҳассасини бир марта йўқотади" мақоли – бир нарсадан панд еган одам кейин ундан ўзини эҳтиёт қилиб юриши керак деган маънода айтилади. Халқимиз хўп топиб гапирган. Лекин бунга ҳар ким ҳам амал қилмас экан.

Бекободлик Қаҳрамон Абдумажидовнинг жиноят кўчасига биринчи бор кириши эмас. У аввал ҳам, яъни 2003 йил жиноят содир этиб, суд ҳукмига кўра 19 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, амнистияга асосан 2010 йилда муддатидан аввал қутулиб чиққан эди. Аммо, ўрганган кўнгил қайта ўртаниб, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яна гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятга қўл урди. Ҳолбуки, гиёҳвандлик охири ўлим билан туговчи иллат экани ҳаммага аён. Қ. Абдумажидов буни жуда яхши билган. Негаки, аввал ҳам айнан гиёҳвандлик билан боғлиқ жинояти учун "ўтириб" чиққан. Аммо қамоқда қилмишидан тегишли хулоса чиқармаган эканки, яна суднинг қора курсисида ўтирибди.

Бекобод шаҳар жиноят судида кўрилган мазкур ишнинг тафсилотлари худди детектив фильмга ўхшайди. Қ. Абдумажидов "Бекободинвест" корхонасида қоровул бўлиб ишлаган, 2011 йил сентябрда узоқ қариндоши Тўлқиндан мўмай даромад топиш таклифини эшитиб, аввалига ўйланиб қолди. "Тошкентда таниш харидорим бор. Тожикистондан "мол" (гиёҳвандлик воситаси) олиб келсанг, ўзим сотиб бераман, анча пул ишлаб оласан" деди у. Қаҳрамон: "Мен назоратдаги одамман, агар бирор кор-ҳол бўлса, болаларим кўчада қолади", деди. Тўлқин унинг иккиланаётганини кўриб, таниш-билишлари кўплигини рўкач қилди: "Сени бир йигит билан таништираман, у бунақа ишларни боплайди. Кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларини вагонларга жойлаб Россияга ўтказади". Унинг бу гапларидан Қаҳрамоннинг ичи қизиб, боши ғовлади.

Хуллас, келишилган куни тошкентлик харидор келди. Ўзини Собир деб таништирган "ишбилармон" йигит Тўлқин ва ҳайдовчисини дўконга жўнатиб, Қаҳрамон билан очиқчасига гаплашиб олди. Собир 1 кг. қорадорининг нархини сўраганида, Қаҳрамон 2000 АҚШ доллари бўлишини айтди. Улар бироз савдолашиб, 1800 АҚШ долларига келишишди. Шундан сўнг Қаҳрамон: "Гиёҳвандлик воситасини олиб келганимда Тўлқин орқали хабарлашамиз" деб, Собир билан хайрлашди.

Энди ишнинг асосий қисмини бажариш керак эди. Режасига кўра, Қаҳрамон Платин пости орқали Тожикистон Республикасидаги "Горны" маҳалласига ўтиб, Тўлқин айтган Мирза исмли шахс билан танишиб, ундан 1 кг. гиёҳвандлик воситаси топиб, қарзга бериб туришини, пулини икки кун ичида олиб келишини айтди. Орадан икки-уч кун ўтгач, Мирза унга қўнғироқ қилиб: "Мол" тайёр. 1 кг. қорадори учун 900 АҚШ доллари берасиз" деди.

Мирза телефон қилиб, кеч соат 21 ларда учрашиб, "мол"ини бермоқчилигини айтганида, Қаҳрамон: "Мен чегарага яқин боролмайман, ўзинг ўтказиб бер" деди. Мирза эса: "Сиз сим панжаралар олдига келаверинг, мен ўзим у томонга отиб юбораман" деди. Шундай қилиб, Бекобод тумани Далварзин қишлоғининг Тожикистон билан чегарадош жойидаги сим тўсиқлар устидан улоқтирилган қорадорини олиб, ўзи ишлайдиган "Бекободинвест" қурилиш корхонаси ҳовлисидаги тошлар уюми орасига яшириб қўйди.

Уч кун ўтиб, яъни 4 октябрда Собир билан қўнғироқлашиб, олди-сотди қилиш вақтини келишишди. Собир келиб, аввал "молни" кўриб, вазнини ўлчади. Кўнгли тўлиб: "Қорадорини шаҳардан чиқариб берасиз, пулини ўша ерда оласиз" деди.

Қаҳрамон эски таниши Шамсиддин Раимовга: "Менда қорадори бор, шуни машинангда Бекободдан олиб чиқиб берайлик. Хизматинг учун 200 доллар оласан" дейди. Пулнинг дарагини эшитиб, у ҳам дарров рози бўлақолди. Икковлашиб қорадорини Шамсиддиннинг автомобилига жойлашади ва кетма-кет йўлга тушишади.

"Бекобод" деб ёзилган аркдан ўтгач, орқадан "Нексия"да келаётган Собир қўнғироқ қилиб, "тўхтайверинг" деди. Улар йўл четида тўхтаб, ўзларини худди автомобилни таъмирлаётгандек тутишди. Энди олди-бердини бошлаётганларида шу томонга катта тезликда келаётган автомобилни кўриб, қўрқиб кетишди. Қаҳрамон қўлидаги гиёҳвандлик воситасини ташлаб, чегара томонга қочди ва Тожикистон ҳудудига ўтиб кетди. Аммо, ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмайди. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракатлари туфайли унинг кимлиги, қилган жинояти ошкор бўлгач, Сўғд вилояти реабилитация марказига бориб, ўзини Ўзбекистон фуқароси эканини тан олишга мажбур бўлди. Тожикистон Республикаси ЖҚБ ходимлари керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, уни Платин постида Ўзбекистон Республикаси чегарачиларига топширишди.



Шундай қилиб Қаҳрамон, Тўлқин, Шамсиддин, Собир ва унинг ҳайдовчисидан иборат жиноий гуруҳнинг пухта ўйланган "операцияси" барбод бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди Шамсиддин Раимовнинг жиноят қуроли деб тан олинган ВАЗ-210661 русумли автомашинасини давлат фойдасига мусодара қилди. Қ. Абдумажидовга нисбатан жазо тайинлашда у содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси, муқаддам судлангани, шунингдек, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, уч фарзанди борлигини инобатга олди ва узил-кесил ўташ учун 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

"Кўрмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини..." дейишади. Лекин кўриб, билиб туриб ўзини тиканли сим ортига отишчи?! Қ. Абдумажидов умрининг кўп йилини яна панжара ортида ўтказади. На илож, қилмишига яраша жазосини ҳам олади-да.

**Отабек АБДУЛЛАЕВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**Моҳинур РУСТАМОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7157. Адади 13 758. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20.